Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 7 январь • сешанба • № 5 (4290)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

МУФТИЙ УСМОНХОН АЛИМОВГА «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 январь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовни қабул қилиб, унинг 70 йиллик таваллуд айёми билан самимий табриклади.

Давлатимиз раҳбари Усмонхон Алимовнинг миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш, асрабавайлаш, буюк алломаларимиз, мутафаккирларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш ҳамда жамиятда диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятига алоҳида тўхталди.

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбари нафақат юртимиз ва Марказий Осиёда, балки дунё миқёсида ҳам тан олинган нуфузли уламолардан бири экани, унинг Ислом олами уюшмаси таъсис мажлиси ҳамда Бутунжаҳон уламолар кенгаши аъзоси этиб сайлангани, «Дунёнинг энг нуфузли 500 мусулмони» рўйхатидан муносиб ўрин эгаллагани халқимизга улкан фахр бағишлаши таъкидланди.

– Биз муфтий ҳазратларини ислом маърифатининг толмас тарғиботчиси сифатида биламиз ва қадрлаймиз. «Тафсири Ирфон», «Имом Бухорий – муҳаддислар султони», «Оилада фарзанд тарбияси» каби асарларингиз халқимиз қалбидан чуқур жой олган, – деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мусулмонлар идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг мамлакатимизда ислом маданияти ва илм-фанини ривожлантириш, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳияти ва эзгу ғояларини, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий меросини тадқиқ этиш ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, бағрикенглик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолиятининг юксак эътирофи рамзи сифатида унга «Эл-юрт ҳурмати» орденини топширди.

Муфтий Усмонхон Алимов давлатимиз раҳбарига юксак мукофот учун ташаккур билдириб, сўнгги йилларда жамият ҳаётининг барча жабҳалари қатори диний-маърифий соҳада ҳам улкан ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Муқаддас ислом динини ўрганиш, аждодлар меросини қайта тиклаш ва уларни келажак авлодларга етказиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларда бор куч-ғайратини сафарбар қилишга тайёрлигини билдирди.

Учрашувда мамлакатимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёш авлодни тинчлик, инсонпарварлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва диний соҳа вакиллари фаол иштирок этишни ўз бурчи деб билиши қайд этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан буюк аждодларимизга муносиб ворислар тайёрлаш, юртимизда диний таълим тизимини такомиллаштириш, ислом динининг асл моҳияти ва инсониятни эзгуликка элтувчи дин эканини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этишга қаратилган тизимли ислоҳотлар амалга оширилаётгани халқимиз ва халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътирофга сазовор бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

ЎзА

КУН НАФАСИ

türksav
TÜRK DÜNYASI YAZARLAR VE SANATÇILAR VAKFI

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев **«Турк дунёсини тиклаш учун қўшган улкан ҳиссаси учун»** халқаро мукофоти билан тақдирланди. Ушбу мукофот Турк дунёси ёзувчилари, зиёлилари ва санъат арбоблари жамғармаси TÜRKSAV (Türk Dünyası Yazarlar ve Sanatçılar Vakfi) томонидан таъсис этилган.

jahonnews.uz

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг **«Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари таҳририяти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди.

uza.uz

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди.

uza.uz

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг **«Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди.

kun.uz

* * *

Тошкент вилояти **Зангиота туманида 500 ўринли нодавлат мактабгача таълим муассасаси** фаолият бошлади.

uza.uz

* * *

Покистоннинг ҳар ойда чоп этиладиган **«Centreline» журнали**нинг жорий йилги илк махсус сони **Ўзбекистонда** парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар ҳамда Ҳаракатлар стратегияси доирасида **амалга оширилаётган** демократик ва ижтимоий иқтисодий **ислоҳотларга бағишланди.**

uza.uz

* * *

Хитойнинг марказий телерадиокомпанияси **CGTN Ўзбекистон ҳақида** ҳужжатли фильм суратга олади.

jahonnews.uz

* * *

Сардор Тожиев «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари этиб тайинланди.

openinfo.uz

* * *

Тошкент шаҳридаги яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бокс бўйича халқаро хотира турнири старт олди.

uza.uz

СЭСчилар ҳуқуқи ҳимоядами?

Мамлакатимизда санитария-эпидемиологик осойишталикни сақлаш, яшаш муҳити хавфсизлиги ва инсон соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш, санитария-эпидемиология назорати хизмати тизимини такомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2019 йил 9 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонига биноан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати хизмати ташкилотлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ташкил этилди.

Фармонда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология назорати бош бошқармасининг штат бирликларини Агентликка ўтказиши, 2019 йил 1 декабрга қадар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Агентлик ташкилотлари ходимларининг штат бирликлари нормативларини тасдиқлаши, шунингдек, 2020 йил 1 апрелга қадар санитария-эпидемиология назорати хизматлари ходимлари сонини 7 минг штат бирлигига босқичма-босқич мақбуллаштириш ва штат бирликларининг бир қисмини Давлат инспекциясига бериши кўзда тутилган эди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Агентлик ва Молия вазирлиги масъул ходимлари, мутахассислари иштирокида Агентлик фаолиятини фармон доирасида ташкил этиш, ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш ва белгиланган штат бирлигини босқичма-босқич мақбуллаштиришда риоя этилиши зарур бўлган масалалар муҳокама қилинди.

2 ▸

Янги Ўзбекистон – янги сайловлар:

ТАКРОРИЙ ОВОЗЛАР НИМАЛАРНИ ҲАЛ ЭТМОҚДА?

*2020 йил 5 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига **1 730 та** сайлов участкасида такрорий овоз бериш бўлиб ўтди. Унда сайловчилар рўйхатига киритилган **3 147 079 нафар** фуқаронинг **62,8 фоизи** иштирок этди.*

2 ▸

Куни кеча Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар якуни бўйича пресс-брифинг бўлиб ўтди.

Бош вазир ўз ўрнида қолади (ми?)

МСК раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломовнинг маълум қилишича, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп – 53 та депутатлик ўрнини қўлга киритган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида мамлакатимиздаги сиёсий партиялар («Миллий тикланиш»дан ташқари) Парламентнинг қуйи палатасида кўп ўрин эгалласа, кимларни бош вазирликка тавсия қилишини билдирган ҳамда ўша кезлар ЎзЛиДеП томонидан амалдаги Бош вазир Абдулла Ариповнинг номзоди илгари сурилган эди.

Хуллас, Ўзбекистоннинг яқин беш йиллик келажагини белгилаб берувчи сайловлар ўз ниҳоясига етди. Навбат – ижроия ҳокимиятини шакллантиришга. Хўш, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бундан икки ой илгари таъкидлаганидек, бош вазирликка Абдулла Ариповнинг номзодини тавсия қиладими ёки бошқа сиёсатчининг номзодини илгари сурадими? Бу саволга яқин кунларда жавоб оламиз.

Бугун биз ватанпарвар, миллатпарвар, тараққийпарвар Ҳамзани қайта кашф этиб бормоқдамиз. Бу демакки, Ҳамза Абдулла Қодирийлар, Фитратлар ва Чўлпонлар билан ёнма-ён яшайди.

3 ▸

Меҳнат муҳофазаси такомиллашади

Меҳнат шароитларни яхшилаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини узлуксиз янада такомиллаштириш чора-тадбирлари қабул қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори лойиҳаси муҳокама учун жойлаштирилди.

Тергов ҳаракатлари якунланди

Бош прокуратура томонидан жиноий уюшма таркибида товламачилик, бюджет маблағларини талон-торож қилиш ва чет эл давлатларда жиноий даромадларини легаллаштириш каби жиноятларни содир этган Г.Каримова ва бошқаларга нисбатан бўлган жиноят иши юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари якунланди.

Ҳозирда жиноят иши мазмунан кўриб чиқишлик учун айблов хулоса билан судга юборилди.

Бош прокуратура матбуот хизмати

СЭСчилар ҳуқуқи ҳимоядами?

◂1

Учрашувда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига келиб тушган мурожаатларда ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузиш ҳамда бекор қилиш билан боғлиқ ҳолатларда кузатилган баъзи тушунмовчиликлар ва уларни бартараф этиш масаласи кўтарилган. Юзма-юз муҳокама жараёнида фармон ижросини таъминлашда жойларда содир бўлган англашилмовчиликлар, нотўғри талқин сабабли ҳудудларда ходимлар ва иш берувчилар ўртасида юзага келган ҳолатларга мутасаддилар эътибори қаратилди. Шу билан бирга, соҳа вакилларининг меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилиши керак бўлган ишларни белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Янги штат бирлигида кўзда тутилмаган лавозимда фаолият кўрсатиб келаётган ходимларга ишдан бўшатилиши ҳақида огоҳлантириш хатини беришда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар, иш берувчининг мажбуриятлари, меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимга тўланадиган компенсация миқдори ва уни тўлаш вақти, меҳнат шартномасини бекор қилиш, ноқонуний равишда ишдан бўшатилган ходимларни ишга тиклаш, Меҳнат кодексида кўрсатилган талабларга риоя қилиниши каби масалаларда томонлар ўзаро келишиб олишди.

Учрашув якунида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг қўшма баённомаси тузилди. Фармон ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчилик ва тушунмовчиликларни бартараф этиш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, келгусидаги фаолиятни иш берувчи ва ходим манфаатларига мос бўлишига эришиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, мазкур жараёнда жамоатчилик ҳамда касаба уюшмаларининг доимий назорати ташкил этилиши ҳам алоҳида таъкидланди.

Аъзам АБУЛФАЙЗОВ,
«Ishonch»

Янги Ўзбекистон – янги сайловлар:

ТАКРОРИЙ ОВОЗЛАР НИМАЛАРНИ ҲАЛ ЭТМОҚДА?

◂1

Сайлов кодексининг 59-моддасига мувофиқ, такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди. Шу боис, ўтказилган такрорий овоз беришда ҳам бошқа номзодга нисбатан кўпроқ овоз тўплаган номзодлар ғолиб бўлди. Шундай қилиб, такрорий сайловда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 15 нафар номзоддан 11 нафари, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 11 нафардан 2 нафар, Халқ демократик партиясидан 9 нафардан 4 нафар, «Адолат» социал-демократик партиясидан 10 нафардан 4 нафар, Экологик партиянинг эса 5 нафар номзодидан 4 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди.

ЕТАКЧИ – КИМ?

Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган партия аъзоларининг депутатлик ўрни қуйидагича бўлди:

1. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси – **53 та**;
2. «Миллий тикланиш» демократик партияси – **36 та**
3. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси – **24 та**;
4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси – **22 та** ўрин
5. Ўзбекистон Экологик партияси – **15 та.**

ҲАР УЧИНЧИ ДЕПУТАТ – АЁЛ

Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатларнинг 48 нафари ёки қарийб учдан бир қисмини хотин-қизлар, 39 нафарини ёки 26 фоизини олдин ҳам Қонунчилик палатаси депутати бўлганлар ташкил этади.

42 нафар собиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг 39 нафари қайта сайланган бўлса, 3 нафари етарли овоз тўплай олмаган. Бу миллий сайлов тарихимизда илк кузатилган ҳолат.

Депутатларнинг 9 нафари ёки 6 фоизи 30 ёшгача, 97 нафари ёки 65 фоизи 30 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар ҳамда 44 нафари ёки 29 фоизи 50 ёшдан катта ёшдагилар. Энг ёш депутат 26 ёшда бўлса, энг ёши улуғ депутат 71 ёшда. Депутатларнинг ўртача ёши 46 ёшга тенг.

БАЙНАЛМИНАЛ ПАРЛАМЕНТ

Ўзбек миллатига мансуб депутатлар 130 нафар ёки 87,0 фоиз, бошқа миллат вакиллари 20 нафар ёки 13 фоизни ташкил қилди. Уларнинг 5 нафари қорақалпоқ ва рус, 3 нафари қозоқ ва тожик, 2 нафари корейс, 1 нафари туркман ва қирғиз миллатига мансуб.

Мутахассислиги ва ихтисослиги бўйича энг кўп сонли депутатлар фан-таълим соҳаси вакилларидир. Улар **32 нафар** (21,3) фоиз. Депутатларнинг **23 нафари** банк, молия ва иқтисод, **21 нафари** ҳуқуқшуносларва нодавлат-нотижорат ташкилотлари, **12 нафари** қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари, **9 нафари** тиббиёт, қурилиш, коммуникация, транспорт ва алоқа соҳаси, **7 нафари** тадбиркор, **6 нафари** эса ОАВ вакилларидир.

Мухтасар айтганда, парламентга сайловлар тугади, аммо депутатларимизнинг иши энди бошланди. Биз уларнинг энди ҳам халқ ичидаги муаммоларни ўрганиш жараёнларида фаол бўлишини истаймиз. Зеро, халқимиз парламентда тугма босадиган роботлар эмас, аҳоли манфаатлари учун ёниб-куядиган, жасоратли вакиллари борлигини ҳис этсин!

Зебо НАМОЗОВА,
«Ishonch»

«Ishonch» кўзгусида

Навоий вилояти

МУВАФФАҚИЯТЛАР ЙИЛИ

Марказий банкнинг Навоий вилояти бош бошқармаси касаба уюшма қўмитаси 2019 йилда «Энг намунали бошланғич касаба уюшма қўмитаси» Республика танловида фахрли биринчи ўринни олди.

Ушбу ҳавас қилса арзийдиган муваффақиятда касаба уюшмаси қўмитаси раҳбари Нодиржон Шаропов, шунингдек, банк раҳбарияти ва кўпсонли ишчи-ходимларнинг алоҳида ҳиссаси бор, албатта.

ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР

Кармана тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори Ғиёсжон Содиқов 2019 йилнинг энг фидойи бошланғич касаба уюшма жамоаси раҳбари сифатида тан олинди.

Ғиёсжон Содиқов фаолиятидаги асосий ютуқлар шунда кўринадики, у бошланғич ташкилотга раҳбар бўлгач, жамоа меҳнат муҳофазаси бўйича республика кўрик-танловида қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни олишга эришди. Бундан ташқари, Кармана тумани шифокорлари томонидан 2019 йил давомида бирор марта меҳнат интизоми бузилмади.

НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Навоий вилояти бирлашган касаба уюшма қўмитаси аъзолари 2019 йилнинг охирига келиб 11 минг (жами 10804) нафарга яқинлашди. Шундан 2101 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади.

Мазкур қўмита турли корхона ва ташкилотларда ишлайдиган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, моддий, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилмаслигининг олдини олиш борасида катта тажрибага эга. Қўмита ташаббуси билан меҳнат жамоаларида кўпчиликка ўрнак бўлаётган 33 нафар аёлнинг ойлик маошлари камайтирилмаган ҳолда ҳафталик иш вақти 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди. Бу каби ютуқлар қўмита нуфузининг тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Нормурод МУСОМОВ,
«Ishonch»

Сурхондарё вилояти

Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бир гуруҳ ходимларига Термиз шаҳрининг Ислом Каримов кўчасида янгидан қурилган 5 қаватли, 30 хонадонли уй-жойнинг калитлари топширилди. Замонавий лойиҳалар асосида қурилган хонадонларда барча қулайликлар яратилган.

Бунёдкорлик

Саховат ва оқибат тантанаси

– Биз, қутқарувчилар учун бунёд этилган хонадонлар қийматининг 25 фоизи давлатимиз ҳисобидан бошланғич бадал сифатида тўлаб берилди. Бундан беҳад қувондик. Узоқ муддатга, йиллик 7 фоизли ипотека кредити асосида берилгани эса катта ғамхўрликдир, – дейди бошқарма Қутқарув отряди сувда қутқарув гуруҳи ғаввос-қутқарувчиси Дилмурод Холлиев.

Термиз шаҳридаги «Гулистон» маҳалласининг «Шукрона» массивида қад ростлаган 50 хонадонга мўлжалланган янги уйлар уй-жойга муҳтож, эҳтиёжманд оилаларга тантанали равишда топширилиши эса давлатимиз томонидан имконияти чекланган фуқароларнинг барча қатори фаровон, эмин-эркин ҳаёт кечириши учун қулай шароит яратиш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

– Уйларни топшириш маросими катта шодиёнага айланиб кетди, – дейди Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Абдукарим Аҳмедов. – Бугун уй тўйларида иштирок этиб, саховат ва оқибат тантанасига гувоҳ бўлдик. Зеро, мана шундай обод ва ораста кошоналарда эзгу ниятлар, буюк мақсадлар туғилади. Бундай эътибор одамларни янги марралар сари руҳлантириб, куч-қувват бағишлайди. Эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch»

Мен бошқа тоққа чиқмайман, токи...

◂1

«Тесла» компанияси асосчиларидан бири Илон Маск ёнидан миллион-миллион долларларни ишлатиб, дарахт экишга сарфласа, бизда бунинг акси бўляпти. Биз дарахт экиш у ёқда турсин, борини асрашдан йироқдамиз, табиатни ифлослантириш билан оворамиз: чанқоғимизни қондирамиз ва баклажкани хоҳлаган жойга ташлаймиз, еганимизни еймиз ва қоғоз, целлофанни ерга отамиз, камига автомобилимиздан бошимизни чўзиб, ерга нос тупирамиз, чаласига баклажкада оғзимизни чайиб, чорраҳада ҳаммага томоша бўламиз. Хуллас, биз учун дунё чархпалаги тескари айланаётганга ўхшайди.

Шу кунларда дўстларим билан тоққа сайрга чиқдик. Бу сафардан бир хулосам, у ерга борганимдан бормаганим афзал эди. Афсус... Азбаройи одам кўплигидан Амирсойга кира олмадик. Чимёндан ўтдик, Бурчмуллани кўрдик. Одамлар чумолилардек гўё. Ёнингиздан катта тезликда лой аралаш қор отиб бензин тутунига сизни қоплаб квадроцикллар ўтиб кетади, чаласига отларнинг тақалари остида қолиб кетаётгандек ҳис қиласиз ўзингизни.

Ҳар ким ўз оиласи, дўстлари, яқинлари билан дам олишга ҳақли. Аммо тоғнинг энг чўққисида, канат кутиш жойида ҳам одамлар қаҳва ичиб, ёнида чиқит қутиси бўлишига қарамасдан қоғоз идишни пастга қараб улоқтиряпти, сотилаётган пистадан олиб, чақиб, пўчоғини ерга ташлаяпти. Ҳамма навбатда турган жойда икки ёки учта одам тамаки чекиб бурнингизнинг тагида тутатади. Тоғ оппоқ қорга буркангани учун чиқинди йиғиндиси ҳозир сезилмаётгандир. Аммо эртага баҳор келганда табиат қай аҳволда бўлишини бир ўйлаб кўринг-а?! Қайси давлат фуқаролари ўз Ватанига шундай ёмон нарсаларни раво кўради, қайси миллат вакиллари ўзи яшаётган ҳудудга шундай ҳолатни раво кўрар экан?!

Борганимга афсусландим...

Япон халқида Ватанни севиш табиатни севишдан бошланади, дейилади. Ҳаттоки, японлар дарсларда ярим соат вақтини табиатни асрашга сарфлайди. Тоққа чиққанимдан кейин мен ҳам бир нарсани ўйладим: биз ўсиб келаётган авлодга мактаб давридан бошлаб дарсларда экологик маданиятни, сўзлашиш маданиятини ўргатишимиз керакмикан?! Нафақат, мактабда, балки ота-оналар ҳам бу жараёнда фаол бўлиши керак, менимча. Сўзлашиш маданияти деганимга сабаб, канатнинг қайтишини кутаётганимизда одамлар бир-бири билан сўкишиб, бир-бирини ҳақорат қилиб, иззат нафсига тегиб гапираётганининг гувоҳи бўлдик. Тушунаман, одамлар адреналин, ошна-оғайнилари даврасида яхши кайфиятда дам олишга тоққа чиққан. Лекин бу бошқаларнинг кайфиятига салбий таъсир қилиш, спиртли ичимликлар ичиб, оғзига келганини гапириш мумкин дегани эмас. Тоққа чиқиш дегани, одам ўз қолипларидан ечилди дегани ҳам эмас. Бундан ташқари, спиртли ичимлик ичди дегани, сўкиш мумкин, дегани ҳам эмас. Аёлларнинг, ёш болаларнинг ва бегоналарнинг олдида бу ҳолатни қандай аташга ҳайронсан киши.

Тоғли жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш сифати нолга тенг. Кабоб, балиқ, фаст-фуд ва бошқа турли таомларни пишириб одамларга ўзи билганича, тозалик ва санитария қоидаларига зид ҳолатда хизмат кўрсатяпти. Тирикчилик деб оқлашга ҳаракат қилишимиз мумкин. Аммо, хизмат сифати-чи?

Кўмирдан чиқаётган тутун, машиналардан тарқалаётган газ исидан ҳаво ифлосланиб кетган. Шаҳардан келган одамлар тоғли ҳудудларга келишидан мақсад, шаҳардан дам олишдир, ёғиб турган қорни томоша қилиб, тоғнинг тоза ҳавосидан бахраманд бўлишдир. Бундан ташқари, бундай ҳавода бир финжон қаҳва ичишни, ўтириб чой ичишни орзу қилади ёки чиройли ва тоза ликопчадан овқат тановвул қилгиси келади... Лекин у жойларда бунга имкон борми?! Йўқ! Чунки шароит яратилмаган.

Миттигина Грузия ёки Арманистон халқи туризм орқали бойиб турган бир пайтда бизнинг тадбиркорлар шундай чиройли манзарали жойларни ривожлантиришга, шароит яратишга ҳаракат қилиб ўз бизнесини синаб кўрса бўлмайдими, ёки бунга қандайдир тўсиқлар борми?!

Тошкентдан чиқиб боргунга қадар бирорта сифатли қаҳвахонага кўзингиз тушмайди, қаҳва ихлосмандлари учун кофейнялар мавжуд эмас.

Хўп, майли биз ўз юртимизда ўз нонимизни топиб ермиз, тушунамиз. Аммо Бурчмулла, Чимёнга келаётган сайёҳлар-чи?! Улар билганича ишлаётган овқатланиш масканига кирганида ёки ҳожатхоналарни кўрганида, ўзини маданиятсизларча тутган одамларга қараганда, Ўзбекистон ҳақида қандай тасаввурга эга бўлиши мумкин?

Хуллас, қаерда тўғри келса кабоб қилиш, атроф муҳитни ивирситишни тўхтатишимиз, тоза, кўнгилни яйратадиган, хушҳаво жойга айлантиришимиз ва сайёҳлар учун яхши шароит яратишимиз керак.

Хуллас, дам олгани чиққан камина бундай ҳолатни кўриб тоғ ҳавоси ҳам татимасдан кайфиятим бузилганича Тошкентга қайтдим. Маҳалламизга кираверишда анчадан бери уйилиб қолган чиқитлар, байрамдан чиққан чиқиндилар кўчада уйилиб қолган экан. Ўғлимни ва икки қўшнимни ёнимга олиб, кўчани бошидан охиригача чиқиндиларни йиғиб чиқдик. Шу билан ўзимга таскин бергандек бўлдим. Гўёки, тоғдаги бари чиқитларни йиғиб чиққандек.

Бизда она табиатни асраш, экотуризмни ривожлантириш ва «плоггинг»ни жорий этиш мана шундан бошланади. Кўчада нос тупуриш, чиқит ташлаш, писта пўчоғини отиш йўқ бўлмас экан, ҳаётимиз ҳам ўзгармайди.

Мен бошқа тоққа чиқмайман, токи...

Қашқадарё вилояти

Бошланғич ташкилотларда

Кузатув кенгаши ташаббуси билан

Республикамиздаги барча ўрта умумтаълим мактабларида таълим-тарбия ишига кўмаклашиш мақсадида «Кузатув кенгашлари» ташкил этилгани ўз самарасини бермоқда.

Жамоатчилик асосида фаолият юритадиган кенгашнинг вазифалари кўлами жуда кенг бўлиб, хусусан, мактабимизда «Кузатув кенгаши» ташаббуси билан собиқ битирувчилар орасидан ҳомийлар гуруҳи шакллантирилиб, таълим муассасаси кутубхонасига китоблар ҳамда ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур анжомлар совға қилинди.

Яқинда мактабда Президентимиз белгилаб берган бешта муҳим ташаббусни амалга татбиқ этиш мақсадида «Ёш китобхон» кўрик-танлови ҳамда шахмат мусобақаси ташкил қилинди.

Яқинда мактабда Президентимиз белгилаб берган бешта муҳим ташаббусни амалга татбиқ этиш мақсадида «Ёш китобхон» кўрик-танлови ҳамда шахмат мусобақаси ташкил қилинди.

Тадбирларда ғолиб чиққан ва фаол қатнашган ўқувчилар ҳомийлар томонидан муносиб тақдирланди.

– Бир неча карра Ўзбекистон чемпиони бўлган Сарвиноз Эргашева ушбу мактабда таҳсил олган, – дейди шахмат ишқибози Зафар Ражабов. – Сарвиноз чекка бир қишлоқда яшаса-да, астойдил интилиши туфайли обрў-эътибор топди. У республика ўсмирлар терма жамоаси сафида Ҳиндистон, Испания, Франция каби давлатларда ўтган халқаро турнирларда муносиб иштирок этди.

Албатта, чемпионлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Ҳатто гроссмейстерлар ҳам дастлаб шу каби оммавий спорт мусобақаларида дастлабки кўникмаларга эга бўлишади.

Мактаб «Кузатув кенгаши» ҳамда касаба уюшма қўмитаси биргаликда январь ойида шахмат бўйича педагоглар ўртасида касаба уюшма қўмитаси соврини учун турнир ташкил этишга келишиб олди. Демак, энди навбат устозларга.

Озода ЖЎРАЕВА,
Чироқчи туманидаги
13-ўрта умумтаълим мактаби касаба
уюшма қўмитаси раиси

Барҳаёт Ҳамза

Биз билган, билмаган ҳақиқатлар

ХХ асрнинг сўнгги ўнйиллигида оламшумул тарихий воқеа рўй берди. Ер юзини титратган қудратли давлатлардан бири – СССР таназзулга учраб, парчаланиб кетди. Етмиш тўрт йил мобайнида фан, санъат ва адабиёт асарлари, уларнинг шу даврда кўкларга кўтарилган аксар муаллифлари ели чиққан ҳаво шаридек пучайиб қолди. Шундай нохуш тақдир Ҳамзани ҳам четлаб ўтмади. «Янги ўзбек адабиётининг байроқдори», «Октябрнинг жарчи ва жангчиси» деб шарафланган, бадиий асарлари ўнлаб тилларга таржима қилинган, саҳна асарлари юзлаб театрларда намойиш этилган, ўзи ҳақида эса юзлаб мақола, рисола ва китоблардан ташқари, кўп серияли «Оловли йўллар» телефильми яратилган Ҳамза номи кутилмаганда тилга олинмай қолди. Унинг метро бекати, республика туманлари, кўчалари, мактаблари, театрларининг пештоқларини безаб турган номи «бир кеча»да олиб ташланди.

Ҳатто, Ҳамзанинг ҳаддан зиёд идеаллаштирилганидан ғаши келиб юрган одамлар ҳам бу ажабтовур ҳолни кўриб, ёқа ушлаб қолдилар. Агар Ҳамза шундай шарафга арзимаган, даврнинг ўткинчи ёзувчиларидан бири бўлган бўлса, нега узоқ йиллар давомида унинг асарлари қўйилмаган театр, унинг асарлари чоп этилмаган газеталар, журналлар, нашриётлар қолмади, деган савол кўпчиликни безовта қила бошлади. Ҳозир ҳам ана шу безовталик кузатилмоқда.

Шубҳасиз, Ҳамза совет даврида идеаллаштирилди. Бунинг боиси Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби буюк ёзувчилар отиб ташланганидан сўнг шаклланишда давом этаётган ўзбек адабиётига байроқдор топиш лозим эди. Ҳамза ҳаёти ва ижодий фаолиятининг айрим қирралари билан, айниқса, «диндорлар томонидан тошбўрон қилиб ўлдирилгани билан» байроқдорлик «мартаба»сига бирдан-бир номзод эди. Хуллас, Ҳамза янги ўзбек адабиётининг байроқдори деб эълон қилинди, унинг адабий мероси шу нуқтаи назардан ўрганила ва саралана бошланди, айрим асарлари йўқотилди, айримлари таҳрир қилинди, айримлари эса қайта ёзилди. Агар дилимиздаги гапни айтсак, Ҳамзанинг ҳатто ўлими тафсилотлари таҳрирга учради. Унинг ўлимида юзлаб миллатпарвар ватандошларимизни қийратган манфур ГПУ (Давлат сиёсий бошқармаси)нинг қўли йўқ, деб айта олмаймиз.

Гапни Ҳамзанинг келиб чиқишидан бошласак. У 1889 йилнинг 6 мартида Қўқон шаҳрининг «Солкашон» маҳалласида Ибн Ямин ва Жаҳон биби оиласида дунёга келган. Унинг исм-шарифини замонавий андазаларга солиб айтсак, Ҳамза Ибн-Яминович Холбоев бўлади. Аммо у отасининг «Ҳаким» деган лақаби ва бобосининг «Ниёзмуҳаммад» исми асосида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий тахаллусини қабул қилган. Ҳамза 1898 йилдан 1906 йилгача мадрасада таълим олиб, форс ва араб тилларини ўрганган. 1907 йили ҳаж сафарига отланган отасини Қашқаргача кузатиш ниятида сафарга чиқиб, сафар чоғида Фотиҳ Каримовнинг «Вақт», Исмоил Гаспринскийнинг «Таржимон» газеталари билан танишиш имкониятига эга бўлган. 1909 йилда Тошкентга келиб, маърифатпарвар Собиржон Раҳимийнинг усули жадид мактаби билан танишиб, 1910 йилда «Қашғар дарвоза» маҳалласида шундай мактабни очган. Шу икки омил – жадид матбуоти ва жадид мактаби билан танишув унинг кейинги ҳаёти ва ижодини белгилаб берган.

Ҳамзанинг шеърий ижоди бундан аввалроқ – 1899-1900 йилларда бошланган ва Ҳамза «Ниҳоний» тахаллуси билан 1906-1914 йилларда аруз вазнида ёзган шеърларини қўлёзма «Девон»га жамлаб, мумтоз ўзбек адабиётидаги девоннавислик анъанасини ХХ асрда давом эттирган. Тошкентдан қайтганидан кейин эса Қўқон ва Марғилон шаҳарларида усули жадид мактабини ташкил этиб, маърифатпарварлик фаолиятини бошлаб юборган.

Тарих ХIХ аср охири – ХХ аср бошларида ўзбек зиёлилари олдига муҳим тарихий вазифани қўйди. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий қолоқликда яшаётган Туркистон халқи тақдирини кескин ўзгартириш учун мактаб ва маориф соҳаларини ривожлантириш, янги мактаб, янги адабиёт, янги матбуот ва янги театрни майдонга келтириш лозим эди. Тарихий даврнинг шу талабини чуқур ҳис қилган Ҳамза янги усул мактабларини барпо этиш, улар учун янги ўқув китобларини ёзиш билангина кифояланмай, жадид шеъриятининг ҳам байроқдорларидан бири сифатида отилиб чиқди. Бу шеърият олдида эса мудроқ халқни уйғотиш, юрагида темурийлар, бобурийлар, навоийлар қони жўш урган халқда Ватан ва Миллат туйғусини уйғотиш, Самарқанддаги инсон ақли бовар қилмайдиган меъморий обидалар барпо қилинган, «Хамса»лар, мақомлар, миниатюралар яратилган буюк ўтмиши ва бу мўъжизаларни яратган буюк ўтмишдошлари борлиги билан фахрланиш туйғусини уйғотиш ва уни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиб, ер юзидаги илғор халқлар даражасига кўтариш вазифаси турарди.

Ҳамза ХХ асрнинг 10-йилларида «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» ва унинг давоми бўлган «Оқ гул», «Қизил гул», «Пушти гул» сингари тўпламларни нашр этиб, уларда халқнинг мудроқ кўзларини очувчи, улар онги ва шуурини уйғотувчи «Яхши ҳолин йўқотган, оқибатсиз Туркистон, Истиқболин ушотган, офиятсиз Туркистон» сатрли шеърларини кўз ёшлари билан ёзди, «Ватан, ватан дер эдилар, на дер эрдим билмай ани, Энди билсам Ватан эркон бу танларнинг тирик жони», деб бошланган шеърлари билан халқ қалбига миллий уйғониш даврининг ҳаётбахш ғояларини қадади.

Ҳамза шу даврдаги шеърий ижоди билан Миллий уйғониш даври адабиётининг Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Тавалло сингари фидойи намояндалари қаторидан ўрин эгаллади.

Масаланинг ғаройиб томони шундаки, Ҳамза бу шеърларини ёзишдан аввал Фарғона водийсини кезиб, водий аҳли шу вақтгача айтиб келган маза-матрасиз, мазмуни эскирган ашулалар матнини ёзиб олди ва шу ашулалар куйига мослаб тараққийпарварлик ғоялари балқиб турган шеърларини ёзди. Ҳамза ёзиб олган ашула матнларидан бири Қўқонда яшаган кишилардан бири Қамчинбек қайсидир гуноҳи учун дорга осилган ва шундан кейин халқ орасида «Қамчин бегим «ув» деди ё бир пиёла сув деди-ё, Дор тагига олиб борганда, ичмай туриб «ҳув», деди-ё» сатрли марсия тарқалган бўлиб, Ҳамза шу марсия оҳангида юқорида икки сатрини келтирганимиз Ватан ҳақидаги шеърини ёзган.

Мудроқ халқнинг басират кўзларига нур бахш этиш учун янги усул мактабларини очиш, Ватан, Миллат ва Маърифатни улуғловчи шеърларни ёзишнинг ўзи етарли эмас эди. Буни яхши билган Ҳамза театр труппаларини тузиб, аввало, Фарғона водийсида, кейин ўлкамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам концертлар уюштирган, спектакллар кўрсатган ва шу маданий тадбирларда нотиқлик, актёрлик ҳамда режиссёрлик санъатини ҳам намойиш этиб, миллатпарварлик ва эрксеварлик ғояларини халқ оммасига етказишнинг турли усулларидан унумли фойдаланган.

Ҳамзанинг 1915-1919 йилларда ёзган ва жадидчилик ғоялари балқиб турган шеърларини ўқиган киши, уларнинг Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Тавалло сингари шоирларнинг шеърларидек жадид шеъриятининг тараққиётига қўшилган муҳим ҳисса эканига амин бўлади.

Янги тарихий-маданий давр ижод аҳлидан ўзбек адабиётини янги адабий турлар ва жанрлар билан бойитишни талаб қилди. Ўзбек халқ оғзаки ижодида «халқ китоблари», «жангнома»лар, мумтоз ўзбек адабиётида эса «Бобурнома» сингари мемуар асарлар мавжуд бўлса-да, Л.Н.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», В.Гюгонинг «Хўрланганлар», Сервантеснинг «Дон Кихот» сингари «Европа гази билан ўлчанадиган» реалистик роман, ҳатто қисса ва ҳикоя жанрлари йўқ эди. Миллий адабиётимиздаги шу кемтикни тўлдириш мақсадида Чўлпон 1914 йили «Дўхтир Муҳаммадёр» қиссасини ёзди. М.Шермуҳамедов шу йили «Бефарзанд Очилдибой» романини ёза бошлаган бўлса-да, уни тугатиш учун ўзида ижодий салоҳиятни топа олмади. Ҳамза эса шу йили «Янги саодат» миллий романини ёзиб, уни 1915 йили нашр этишга муваффақ бўлди. Бу роман жанрининг ўзбек адабиётидаги илк намунаси эди. Агар Абдулла Қодирий орадан ўн йил ўтгач, «Ўтган кунлар»дек муҳташам романни ёзмаганида, Ҳамза ўзбек адабиётида роман жанрига пойдевор қўйган биринчи роман-навис сифатида ардоқланган бўларди.

«Насрий» жанрларда қалам тебратиш орзуси Ҳамзада бундан ўн йил аввал, 1905-1906 йиллардаёқ пайдо бўлган. У «бир татар йигити»нинг суҳбатларидан «ҳийли дардланиб», «Ҳақиқат кимда?» номли «ҳавосиз опералик роман»ни ёзган эди. Лекин бу «роман» бизгача етиб келмаган. Ҳамза бундан ташқари, «Тўрт ишқ», «Феруза» сингари насрий асарларни ёзгани ҳам маълум.

Адабиётшунослар Ҳамза ҳаёти ва ижодини қанчалик чуқур ва кенг кўламда ўрганган бўлмасин, «Янги саодат» романи, бизнингча, миллий ўзбек романини яратиш йўлидаги уринишлардан бири сифатидагина баҳоланиб келган, холос. Ҳолбуки, ўзбек драматургиясининг оёққа туришида сентиментал драма жанри қандай муҳим роль ўйнаган ва томошабинларни театр залига қандай етаклаб келган бўлса, «Янги саодат» ҳам ўзбек китобхонларини роман жанридаги асарларни қизиқиб ўқишга тайёрлаб борди. Романга ёзилган дебоча сўздан маълум бўлишича, эски имло ва эски усулда ўқиган ҳамда ўша йилларда ёши 20 дан ошган «эру хотинлар» янги имло ва янги усулда ёзилган асарларни ўқишга қийналишган. Шунинг учун Ҳамза ўз романини «Жамшид», «Зарқум» сингари «ахлоқни бузадирган асоссиз китоблар» (Ҳамза ифодаси) ўрнига фойдали бўлармикан, деган ниятда ўз асарига «эски имло ва эски усулда» тартиб бериб, «соддароқ» ёзган. Ўзгача айтганда, Ҳамза ўз асарини Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»идан фарқли ўлароқ, халқ китобларининг тили ва услубига яқин, форс ва араб сўзлари билан мураккаблаштирилмаган тилда ёзишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳамзанинг «Янги саодат» романини ёзишдан мақсади қуйидаги эпиграфда ўз ифодасини топган:

Ўқуб таҳсили илм айла,
маориф шарбатин ютгил.
Тилингни ҳаҳлдан қутқор,
ғами миллат била ўтгил.

«Ўқиган одамлар, – деб ёзади Ҳамза ушбу романида, – гарчанд ёш бўлсалар ҳам, мадрасаларда мударрис, расталарда катта дўкондор, яхши ўринларга мирзо, яхши кийимлар, озода саллалар бошида, ҳар жойда иззатлик ва ҳурматлик. Ўқимаган одам ҳар қанча бўлса ҳамки, ўқиган одамлар кўрган иззат ва ҳурматларни асло кўрмайди».

Хуллас, «Янги саодат» миллий романи китобхонларда илм-фанга муҳаббат туйғуларини уйғотиш, уларга мактаб ва маорифнинг инсон ҳаёти ҳамда тақдиридаги мислсиз даражада катта роли ва аҳамиятини кўрсатиш мақсадида ёзилган. Шу олижаноб мақсадга эришиш учун ёзувчи китобхонларга ибрат бўла оладиган қаҳрамонни ва ибратли воқеаларни ҳаётдан олиши ёки ўйлаб топиши лозим эди. ХХ асрнинг 10-йилларида Туркистонда бундай қаҳрамон ҳали етишиб чиқмаган, шунинг учун ҳам Чўлпон «Дўхтир Муҳаммадёр» қиссасида ўз идеалидаги образни яратган эди. Ҳамза ҳам худди шундай йўл билан боришни маъқул кўрди.

Ҳамза «Янги саодат» романини ёзганида 22 ёшда, жадид адабиёти эса – агар унинг туғилган санасини шартли равишда 1900 йил деб белгиласак, – эндигина 16-17 ёшга қадам қўйган эди. Шунинг учун ҳам биз Ҳамзанинг шу ёшда жадид адабиёти қаҳрамони образини яратиш йўлидаги уринишларини ижобий баҳолагимиз келади.

1914 йили Туркистоннинг маданий ҳаётида яна бир тарихий воқеа рўй берди. Тошкент ва Самарқандда «Падаркуш» драмасининг саҳналаштирилиши билан ўзбек театр санъати майдонга келди. Бу, шу қадар ларзакор воқеа бўлдики, шу вақтгача театр ҳақида ҳатто тасаввури ҳам бўлмаган Нусратулла Қудратулла, Абдулла Қадирий, Ҳожи Муин, Абдулла Қодирий сингари қаламкашлар Беҳбудий асари таъсирида драматургияга қўл урдилар. Кўп ўтмай, улар сафига Чўлпон, Фитрат, Ғулом Зафарий ва Ҳамза қўшилди.

Одатда Ҳамзанинг саҳна асарлари тўғрисида сўз борганда, ҳамзашунос олимлар унинг «Заҳарли ҳаёт», «Туҳматчилар жазоси», «Ким тўғри?» пьесалари билан бирга «Нормуҳаммад домланинг куфр хатоси», «Очлик қурбонлари», «Ишчилар ҳаётидан», «Лошмон фожиаси», «Фарғона фожиаси» сингари ўндан зиёд асарларини тилга оладилар. Бу асарларнинг бир қисми бизгача тўлиқ етиб келмаган бўлса, иккинчи қисми яқин-яқингача ўзбек театрлари репертуарларидан тушмай келди, учинчиси эса опера спектакли, мюзикл ва кинофильм сифатида томошабинларга тақдим этилиб, жаҳон халқларининг Ҳамза ижоди билан танишишларида муҳим роль ўйнади.

Ҳамзанинг илк пьесалари орасида «Заҳарли ҳаёт» трагедияси алоҳида эътиборга сазовор. Бу асар замирида ХХ аср бошларида Туркистонда (нафақат Туркистонда) рўй берган ёки рўй бериши мумкин бўлган воқеа ётади. Агар Шекспир трагедияси қаҳрамонлари Ромео ва Жульеттанинг муҳаббатига оталарининг икки ноаҳил хонадонга мансублиги сабаб бўлган бўлса, Ҳамза асари қаҳрамонлари Маҳмудхон билан Марямхонимнинг севги тарихига биринг бой, иккинчисининг эса камбағал оилага мансублиги масаласи қонли нуқта қўяди. Ижтимоий ва иқтисодий тенгсизлик натижаси бўлган бу зиддият ўтмишда яшаган Лайли ва Мажнунлар муҳаббати тақдирини қандай ҳал қилган бўлса, ХХ аср бошларида яшаган Маҳмудхон билан Марямхонлар муҳаббатини ҳам шундай ҳал қилган. Бу асарда Ҳамза кўтарган масала на миллий чегарани, на тарихий даврларни билмайдиган абадий муаммодир.

Ҳамза бу мавзунинг бадиий ечимини топиш учун ХХ аср бошларидаги халқ оммаси менталитетини ҳисобга олган ҳолда сентиментал драма жанрини танлади ва шу ҳол асарнинг томошабинлар ўртасида катта муваффақият қозонишини таъминлади.

Ҳамза драматургияси тўғрисида сўз борганда, унинг шўролар даврида Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа республикалар саҳналарида намойиш этилган «Бой ила хизматчи» пьесасини четлаб ўтиш мумкин эмас. Бу пьеса, аслида, кичик саҳна учун ёзилган бўлиб, уни Ҳамза таваллудининг 50 йиллиги нишонланган 1939 йилда академик театр саҳнасида намойиш этиш қийин эди. Шунинг учун Ҳамзанинг шогирди Комил Яшин Амин Умарий билан ҳамкорликда «Бой ила хизматчи» асарини қайта ёзиб чиқдилар. Асарнинг тўлиқ матни сақланмагани учун улар пьеса матнини спектакль афишасида пардама-парда берилган аннотация асосида, шунингдек, «Бой ила хизматчи» спектаклида қатнашган артистларнинг хотираларига таяниб тикладилар. Ҳамза асари шу жараёнда социалистик реализм методи талабларига тўлиқ мослаштирилди. Энди бу нафақат Ҳамзанинг, балки Ҳамза ва Яшиннинг ҳам асари эди.

Ҳамза бир уйга, ҳатто бир шаҳарга ҳам сиғмайдиган, шеъриятдан насрга, насрдан драматургияга кўчмаса, маориф соҳасидан адабиётга, адабиётдан эса театрга ўтмаса тура олмайдиган серғайрат киши эди. Ҳамзанинг шу ажабтовур табиати уни Бухоро амирлиги тугатилганидан сўнг 1920 йили Бухорога, 1921 йили эса Хоразмга бориб, у ерларда маданий-маърифий ишларнинг йўлга қўйилишига ўз ҳиссасини қўшишга ундади. Ниҳоят, 1926 йили Аввал қишлоғига бориб, ижод муҳитига берилди. У шу ерда ўзининг икки буюк асари «Паранжи сирлари» («Холисхон») драмаси ва «Майсаранинг иши» комедиясини яратди. У ҳатто музика соҳасида назарий билимга эга бўлиш учун 1928 йили Тошкентдаги Музика ва хореография институтига бориб, нотани, музика тарихи ва назариясини ўрганмоқчи бўлди. Аммо қандайдир партиявий топшириқ уни машғулотларни ташлаб, Шоҳимардонга кетишга мажбур этди. Шоҳимардонда эса ... ваҳшиёна ўлим кутаётган эди.

Бу фожиали воқеага қудратли сиёсий идоралар ва таниқли кишилар аралашгани учун Ҳамза ўлими сирлари оҳиригача очилмай қолган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ҳамза вафотидан кейин унинг ҳаёти ҳам, ижодий ишлари ҳам совет мафкураси нуқтаи назаридан талқин қилинди. У 1917 йили Қўқонда барпо қилинган Туркистон Мухторият ҳукуматини олқишлаб шеър ёзган, бинобарин, Туркистоннинг мустақил бўлишини орзу қилган шоирлардан бири эди. Лекин шу шеър узоқ йиллар мобайнида «унутилиб» келди. Аксинча, Ҳамзанинг гўё совет давлатининг куйчиси бўлганлигини тасдиқловчи «Яша, Шўро» шеъри майдонга келди. Ҳамзанинг Туронни, эрк ва ҳурриятни куйлаган шеърлари босилган «Атир гул» тўплами ҳам, Молия халқ комиссарлиги архивида сақланган ва Ҳамзанинг Туркистон Мухторияти ҳақидаги, ҳаётининг халқдан сир тутилган саҳифаҳақидаги сўзлари битилган «Таржимаи ҳоли» қасддан йўқотилди. Ҳамзашунослардан биринг илтимоси билан қўқонлик шоирлардан бири Ҳамза номидан Ленин ҳақида шеър ёзиб, «Ўзбекистон маданияти» газетасида эълон қилди...

Бугун бу ёлғонлар совет давлатининг ўзидек тарих қаърига равона бўлган. Бугун биз ватанпарвар, миллатпарвар, тараққийпарвар Ҳамзани қайта кашф этиб бормоқдамиз. Бу демакки, Ҳамза Абдулла Қодирийлар, Фитратлар ва Чўлпонлар билан ёнма-ён яшайди.

Наим КАРИМОВ,
академик

Ҳамза совет даврида идеаллаштирилди. Бунинг боиси Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби буюк ёзувчилар отиб ташланганидан сўнг шаклланишда давом этаётган ўзбек адабиётига байроқдор топиш лозим эди. Ҳамза ҳаёти ва ижодий фаолиятининг айрим қирралари билан, айниқса, «диндорлар томонидан тошбўрон қилиб ўлдирилганлиги билан» байроқдорлик «мартабасига бирдан-бир номзод эди. Хуллас, Ҳамза янги ўзбек адабиётининг байроқдори деб эълон қилинди, унинг адабий мероси шу нуқтаи назардан ўрганила ва саралана бошланди, айрим асарлари йўқотилди, айримлари таҳрир қилинди, айримлари эса қайта ёзилди. Агар дилимиздаги гапни айтсак, Ҳамзанинг ҳатто ўлими тафсилотлари таҳрирга учради.

Мудроқ халқнинг басират кўзларига нур бахш этиш учун янги усул мактабларини очиш, Ватан, Миллат ва Маърифатни улуғловчи шеърларни ёзишнинг ўзи етарли эмас эди. Буни яхши билган Ҳамза театр труппаларини тузиб, аввало, Фарғона водийсида, кейин ўлкамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам концертлар уюштирган, спектакллар кўрсатган ва шу маданий тадбирларда нотиқлик, актёрлик ҳамда режиссёрлик санъатини ҳам намойиш этиб, миллатпарварлик ва эрксеварлик ғояларини халқ оммасига етказишнинг турли усулларидан унумли фойдаланган.

Ҳамза 1926 йили Аввал қишлоғига бориб, ижод муҳитига берилди. У шу ерда ўзининг икки буюк асари «Паранжи сирлари» («Холисхон») драмаси ва «Майсаранинг иши» комедиясини яратди. У ҳатто музика соҳасида назарий билимга эга бўлиш учун 1928 йили Тошкентдаги Музика ва хореография институтига бориб, нотани, музика тарихи ва назариясини ўрганмоқчи бўлди. Аммо қандайдир партиявий топшириқ уни машғулотларни ташлаб, Шоҳимардонга кетишга мажбур этди. Шоҳимардонда эса ... ваҳшиёна ўлим кутаётган эди.

Наманган вилояти

Долзарб мавзу

Шифокорга таҳдид... қачон тўхтайди?

Кейинги вақтда энг кўп эшитаётган хабарларимиздан бири – шифокорга таҳдидлар ҳақида. Мана, янги йилни ҳам шундай хабар билан бошладик: 2 январь куни Учқўрғон туманидаги шошилинч тиббий ёрдам бўлимига олиб келинган бемор боланинг тоғаси шифокорга тажовуз қилиб, унинг кўзига урган. Натижада 60 ёшли шифокорнинг бир кўзи кўриш қобилиятини батамом йўқотган.

Воқеа тафсилотига қисқача тўхталадиган бўлсак, Учқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси жарроҳи О.Қўлдошевни «Фаровон» МФЙда яшовчи фуқаро Б.Турғунов калтаклаган.

Ушбу воқеа ижтимоий тармоқларда кўпчиликнинг муҳокамасига сабаб бўлди. Таассуфки, улар орасида шифокорга жабр етказганни ҳимоя қилиб, фикр билдирганлар ҳам борлиги тиббиёт ходимларини яна бир бор сергак торттириши, шубҳасиз.

– Аксарият шифокорлар одамлар дардига малҳам бўлиши, шошилинч ҳолатда ёрдам бериш учун ўз оромларидан кечишган, – дейди тиббиёт соҳаси вакили Илҳомжон Мусаев. – Мавзуга тўхталадиган бўлсак, кейинги вақтларда одамлар шифокорни менсимай қўйди. Худди яқини касал бўлишига шифокор айбдордек ёки шифохонага келиши ҳамоно тузалиб кетиши керакдек муомала қилишади. Муштумзўр тоғани яқин қариндошининг соғлиги ташвишга соладиган бир умрга ногирон бўлиб қолган 60 ёшли шифокорнинг бундан кейинги ҳаёти қизиқтирмайди. Барча масъуллардан илтимосим шуки, ШИФОКОРларни зўравонлардан ҳимоя қилинг.

– Ишлаб чиқаришдаги ушбу бахтсиз ҳодиса ва саломатликка зарар етказиш ҳолати ўрганилиб, далолатнома тузилди, – дейди Учқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмита раиси Б. Насибхўжаев. – Ҳозир ушбу ҳолат юзасидан жиддий текширув ишлари амалга оширилмоқда. Агар жабр кўрган шифокорнинг кўзи кўрмай қоладиган бўлса, иш берувчи ходимга бир йиллик иш ҳақи миқдоридаги маблағни бир йўла тўлаб беради. Бундан ташқари, ТМЭК меҳнатда майиблланган деган хулосага келса, жабрланувчига умрининг охиригача товон пули тўланади. Қолаверса, иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси ҳам бир марталик моддий ёрдам кўрсатади. Аммо бу билан шифокор соғлигини тиклайдими? Йўқ, албатта. Шу сабаб, аввало, одамлар онгини ўзгартиришимиз керак. Қачонки, соҳа ходимларининг жамиятдаги мақоми юксалмас экан, бундай ҳолатлар давом этаверади. Биз бугун шу мақсадда қатор тадбирларни амалга оширишни режалаштиряпмиз.

Дарҳақиқат, бемор чоғингда жонингга оро кирадиган бу шарафли касб эгаларини қадрласак, ўз ўрнида уларга ёрдам қўлини чўзолсаккина соҳа кишилари бизга ишонади, касбига фидойилик билан ёндашади. Аксинча бўлса, ҳар икки томон ҳам ютқазиши аниқ.

Орзугул РУСТАМОВА,
«Ishonch»

Самарқанд вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жамоаси бирлашманинг ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси Рамазон Асқаровга синглиси

Маъмура АСҚАРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жамоаси бирлашма аппаратининг ишлар бошқарувчиси Яҳё Юсуповга онаси

Мамлакат ЮСУПОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Илҳом

ЎША МЕН БЎЛАМАН

Биламан, биламан, бир куни келиб,
Шамоллардай эсиб, қайтажакман боз.
Маъюс кўзларингга маъюс тикилиб –
Кўзларим тубида йиғлайди бир ноз.
Ўша мен бўламан –
Буни биламан.

Биламан, қайғунинг қайғучил ёди
Юрагимни ўртаб, қилади найранг.
Аммо ҳаётимнинг барча буржидан
Қор каби ёғади дилбар қиёфанг.
Мен унга термулиб, сенга тўламан –
Буни-да биламан.

Биламан, ошиқлар вақтдай бевафо,
Хушторлар тилида ўйиндир видо.
Севги деганлари оний кайфият,
Биламан, сен мангу ёрдирсан Худо,
Бошимда абадий бордирсан Худо!
Ўйлаганим сайин ишққа тўламан
Ушбу ишқ мангудир, буни биламан.

Биламан, ошиқлик бандага эса
Исёнли бир ҳолдир Ҳақнинг ҳукмига.
Нечун, юрагимга етмайди кучим –
Билсам ҳам ошиқман не учун, нега?!
Гоҳ кулиб йиғлайман,
Гоҳ тўлиб йиғлайман.
Пушаймон бўлмайман,
Эҳ, буни билмайман, билмайман!!!

Санобар МЕҲМОНОВА

МЕН АНГЛАГАН ҲИКМАТЛАР

Устозликка шошилманг!

* * *

Нимаки абадий бўлса, у замонавийдир.

* * *

Пулни бир чўнтакдан олиб иккинчисига солишнинг сира хавфли жойи йўқ, агарки костюм ўзингники бўлса.

* * *

Пул ҳаётнинг дирижёрига айланган жамиятда ҳаёт кечириш жуда оғир.

* * *

Атиргул олдингда-ку, лолани қидирганинг нимаси?

* * *

Жойинг ўзгарса ҳам, ўзинг ўзгарма.

* * *

Узоқ бўлса ҳам билган йўлингдан юравер.

* * *

Кексаларнинг ҳаммаси ҳам доно бўлмаслиги мумкин, лекин эҳтиёткорликда бир-бирига жуда ўхшаш.

* * *

Қолгинг келаётган пайтда кетганинг маъқул.

* * *

Ёлғоннинг тарқалгани ёмон, уни тарқатганлар яна ҳам.

* * *

Авлиёнинг ҳам қўшнига иши тушади.

* * *

Устоз ушалмаган орзуларига истеъдодли шогирдлари орқали етишади.

* * *

Бу ҳам замонасига яраша-да. Ҳозир дастлаб телефонингга, кейин ўзингга қарашади.

* * *

Тушунарсиз даражадаги яхши одамлар ҳам бўлади.

* * *

Қўлингдан етаклаб туриб, оёғингдан чалганлари ёмон-да...

Муҳаммад ТОБОЛТАЕВ, профессор

Манзума

АСЛ ҲАҚИҚАТ...

...мен ҳам аслида, безганман...
нимадан ва кимдан, билмайман аниқ...
Ахир, безмай бўлмас, бу мумкин эмас.
Бизнинг мангу маконимиз эмас Ер...
Бизнинг асл манзилимиз бу эмас...
Бизни чорлар ахир, рост Ҳақиқатлар...
Бизни чорлар чунки чексиз оламлар...
Бизни чорлар чунки Буюк Каломлар...
Интилишга арзийди, Дийдор-Саломлар...
Ахир, безмай бўлмас, бу тор дунёдан...
Сиқиб, исканжага олади баъзан...
Қалбингни яралар ўтли ханжарлар...
Вафосиз ёрлардан безади кўнглинг...
Хаёлан, бир руҳга айланиб гўё
Ҳурларни қидириб, лек тополмайсан...
Шаффофлик қидирма, беҳуда бари...
Не учун безамиз, билсайдинг, агар...
Бу чиркин оламда қолмоқ фожиа...
Мангу қўним топмоқ – улкан Бахтсизлик...
Турфа хил тақдирлар, турфа қисматлар...
Шафқатли ва шафқатсиз макони бу – Ер...
Ёвузлик, нафс билан қоришган олам...
Кимнинг нафси ўпқон, ким тимдалар ер...
Шукурларки, меҳмонмиз, асли «уч кунлик»...
Кўз очиб юмгунча лаҳзалик ҳаёт...
Не бахтки, теграмизда чексиз коинот...
Йўллари бор унинг бизлар юрмаган...
Тушимизда ҳатто бир бор кўрмаган...
Осмонлари бордир беғубор, гардсиз...
Беҳиштлари бордир ва яна қанча
Гўшалари бордир, биз ҳали бир бора яшаб кўрмаган...
Безмасликнинг иложи йўқ бу ёлғон дунёдан...
Биз, барибир, кетамиз «Алвидо» билан!..
Қўлимизга тегмас ҳеч вақо...
Бу аниқ... кетамиз бўм-бўш қўл билан...
Эҳтимол, қалбимизни «кучоқлагунча»...
Самоларга учар ҳорғин руҳимиз...
Ё, балки, ундан безиб улоқтиргунча
Барчасидан воз кечар эзғин руҳимиз...
Ҳа, асли бизда бори мангу руҳимиз...
Йўл олар найларни йиғлатган
Мангу маъвога!..
Сен интилган ўша Момо Ҳавога.
Мен интилган ўша Одам Атога...
Биз, барибир, кетамиз... бу аниқ, бу рост...
Фақат бир сония шошмай тургин...
Фақат бир сония тарк этма мени...

Сайёра ШОДИЕВА

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари-«Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб - «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-25
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-93) 589-38-34
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдураҳмонов
Мусаҳҳиҳлар:
С. Шодиева,
Д. Орипов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА яқуни – **22:15**
Топширилди – **01:10**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 117.** **30088** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130